



Хурматли ота оналар, бу дарсимиznинг бошида, баъзи мусулмон оилаларида содир бўладиган хаётнинг аччиg холатларидан бири хакида сўз юритилади. Катта олим бўлган Абдулазиз бин Боз раҳимахуллоҳга бир ота куйидаги савонни беради:

Фарзандларини (падаринга лаънат, лаънат остида колиb кетгур, каби) лаънатлаш, сўкиш ва хар бир майда ё катта килмиш туфайли уларни баъзан сўз ва баъзан уриб озор бериш менинг аёлимга одат бўлиб колган. Хар канча насихат килсам хам кулок тутмайди. Натижада фарзандлар бу меҳрсиз онани ёмон кўриб, унинг гапларига умуман ахамият бермайдиган бўлишди. Мана шундай хотин билан кандай муомала килишим керак. Талок килсам, фарзандлар унда колади. Шариат бу борада менга нималарни буюради. Аллоҳ Сизни хар доим тавфикда саботли килсин! Шунга жавоб беринг?

Савонга Ибни Боз раҳимахуллоҳ куйидагича жавоб берадилар:

Фарзандларни ва шунингдек лаънатга лойикмас кишиларни лаънатлаш энг катта гунохлардан хисобланади. Сахих хадисда пайгамбаримиз саллалоҳу алайхи ва саллам бундай дейдилар: Муъмин кишини лаънатлаш, уни катл килиш кабидир. Яна Ул зот саллалоҳу алайхи ва саллам айтадиларки: Мусулмон кишини сўкиш



фосиклик, уни катл
килиш эса куфр. Яна Ул зот саллалоху алайхи ва саллам дедилар: Кўп
лаънат
килгувчилар киёмат кунида гувоҳ хам, шафоат килгувчи хам бўла
олмайдилар.

Аллоҳ таолога тавба килиш ва фарзандларини сўкишдан тилини
тийиш бу аёлга вожиб
бўлади хамда уларнинг хаккига дуо килиб, Аллоҳдан хидоят ва
салохият сўрашни
шариат у аёлдан талаб килади. Эй эр, у аёлга доимо насихат килиб
туриш ва
фарзандларини сўкишдан уни огохлантириб туришни шариат сизга
амр килади. Агар
насихат кор бермаса, унда у аёл билан якинлик килишни тарк этасиз,
агар бу иш
фоидали бўлса. Сиз бунга сабр килиб, Аллоҳ хузурида савоб умид
килинг. Талок
килишга шошилманг. Ўзимизга, сизга ва бу аёлга Аллоҳдан хидоят
сўраймиз хамда
ахлоклари тузалгунча фарзандларни одобли килишини ва
яхшиликларга йўллаб
кўйишини Ул зотдан сўраймиз!

1. Савол: Болажоним, мана энди намоз
ўкишнинг тартиби тўгрисида гаплашамиз. Намозхон жойнамоз устига
келиб, киблага
караган холда турибди. Айтгинчи биринчи нима килади?

Жавоб: Кўлларини



кўтариб Аллоху акбар дейди.

2.Савол: Болажоним пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва саллам намозни шунака бошлаганмилар?

Жавоб: Ха дадажон,
Расулуллоҳ саллалоху алайхи ва саллам намозга турмокчи бўлсалар,
тиқ туриб
бўлганларидан сўнг, икки кўлларини кўтариб, Аллоху акбар дер
эдилар.

3.Савол: Болажоним кўлини кўтариб Аллоху акбар дегандан сўнг нима
килади?

Жавоб: Ўнг кўлини чап кўлининг устига кўйиб boglайди.
Пайгамбаримиз

саллалоху алайхи ва саллам намозни бошлаганларида ўнг кўлларини
чап кўлларининг
устига кўяр эдилар.

4.Савол: Болажоним, намозга киришганда у ёкка бу ёкка
караб намоз ўқиса бўладими?

Жавоб: Йўқ дадажон. Эси йўклар килади буни.
Аклли болалар намоз ўқишни бошлашганда, сажда киладиган жойга
караб туришади.
Чунки пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва саллам тулкига ўхшаб у
ёкка бу ёкка
караб намоз ўқишидан кайтарғанлар.



5. Савол: Болажоним, Аллоху акбар деб намозини бошлагандан кейин аввал кайси дуони ўкийди?

Жавоб: Мана шу дуони ўкийди: «Субханака Аллохумма ва бихамдик, ва табарокасмук ва таъала жаддук, ва ла илаха гойрук».

Маъноси: Эй Аллох, мен Сенга мактovлар айтиш билан бирга хар кандай айбу-нуксонлардан Сени поклайман. Сенинг исминг баракалари кўпайиб кетган. Зеро, хар бир яхшилик Сенинг исмиг тилга олингандагина топилади. Сенинг улуглигинг юксалди. Сендан бошка бирор илоҳ йўк.

6. Савол: Барака топ болажоним! Бу дуони айтгандан кейин нима дейди?

Жавоб:»Аъзу биллахи минаш-шайтонир рожийм » дейди. Маъноси: Аллохнинг раҳматидан кувилган шайтондан Аллохнинг панохини сўрайман.

7. Савол: Болажоним, бу паноҳ сўрашни овозини чикариб айтадими?

Жавоб: Йўқ дадажон пицирлаб гапириш каби, факат ўзи эшигадиган даражада айтади. Овозини кўтариб айтса елкадош биродарларига халал беради.



Ислом Нури

Болажоним, мени хам, онангни хам ва сени хам намозимиз,
бизларни бу дунёда бузук ишлардан кайтариб, охиратда жаннатга
олиб киришини
мехрибон Роббимдан илтижо киламан!